

## ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Соҳиба ИСЛОМОВА

докторант,

Андижон давлат университети

islomova.sohiba.78@bk.ru

Ўзидан бой мерос қолдирган, наинки юртимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида маълум-у машҳур бўлган Чўлпон шеъриятини илк манбалар асосида, ўзбек матншунослигида эришилган сўнгги илмий-назарий ютуқларга таяниб тадқиқ қилиш, унинг шеърий асарларини матний тадқиқ этиш асосида қайта ишлаб, уларни бирламчи манбалар билан қиёслаб мукамал илмий-танқидий матнини яратиш бугунги кун адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Шоир шеърларининг кўлөзма нусхалари мавжуд эмаслиги, иккинчи томондан Чўлпон пайтидаги даврий нашрларда ягона имло қоидалари амал қилмагани туфайли кейинги нашрларда кўплаб матний ҳамда имловий хатоликлар, турличаликлар юзага келган. Бу эса Чўлпон шеърларининг турли нашрларини қиёслаган ҳолда илмий-танқидий матнини тайёрлашни адабиётшунослар олдига долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Зеро, адабиёт ихлосмандлари ва келгуси авлод Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шеъриятини қандай яратилган бўлса шундайлигича, матний ўзгаришларсиз ўқишга ҳақлидир.

Шоир шеърларининг илмий-танқидий матнини яратиш учун фанга маълум барча нусхалар кўриб чиқилиши керак. Нусхалари кўп бўлган шеърларнинг илмий-танқидий матнини тузишда нусхаларни саралаш мақсадга мувофиқдир. Илмий-танқидий матн тузишда муаллиф нусхаси (автограф) бўлмаганлиги учун барча нусхаларни муайян принципиал хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Бирламчи нусха (асосий таянч нусха).

2. Ёрдамчи нусха (назорат нусха).

Бирламчи нусха, асосан, Чўлпон ҳаётлик даврида чоп этилган 4та шеърий тўплами: “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари” ва “Соз”да берилган назмий намуналарни киритиш мумкин. Чунки, тўпламларга шоир ҳаётлик даврида тартиб берилган, муаллифнинг шахсан ўзи шеърларни кўздан кечирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари “Ўзбек ёш шоирлари” (1923), “Гўзал ёзғичлар” (1925), “Адабиёт парчалари” (1926) каби тўплам ва мажмуалардан ўрин олган, ўз даврида мактабларга қўлланма сифатида кириб борган

шеърларини ҳам ушбу нусхалар қаторига қўшишимиз мумкин. Юқорида санаб ўтилган тўпламларда Чўлпоннинг 160га яқин шеъри жамланган. Шоирнинг ҳаётлик даврида вақтли матбуотларда 100 дан ортиқ шеърлари жой олган, аммо барчасини ўз таҳриридан ўтказган эмас. Лекин ушбу матнлар ҳам шоир наздидан бутунлай четда қолмаган, чунки Чўлпон бирор жойда бу хусусда эътироз билдирмаган. Зеро “Муаллиф дасхати ёки унинг даврида яратилган матн мавжуд бўлса, илмий-танқидий матннинг илмий қиммати юксак бўлади” (13, 17).

Шоирнинг даврий нашрлардаги шеърларига бироз танқидий ёндошмоқ керак, негаки ўша даврда вақтли матбуотда ягона имло қоидаларига амал қилинмаган.

Бирламчи нусхалар асосида юзага келган кейинги йилларда эълон қилинган намуналар ёрдамчи нусхалардир. Чўлпон яшаган ва ундан кейинги йилларда ҳам чет элларда нашр қилинган газета, журналлардаги шеърӣ намуналарни ҳам ушбу нусхалар қаторига қўшишимиз даркор. Уларга кўпроқ шоирнинг тўпламлари, Юртимизда чоп этилган газета ва журналлар асос бўлган. Ёрдамчи нусхаларга Чўлпоннинг 1987 йилдан буён вақтли матбуотда нашр қилинган шеърлари ҳамда “Баҳорни соғиндим” (1989), “Яна олдим созимни” (1991), “Гўзал Туркистон” (1997) ва икки маротаба “Асарлар” 1994 йил ва 2016 йилларда китоб ҳолида нашр қилинган тўпламларини киритишимиз мумкин.

Бундан ташқари шоирнинг 30га яқин шеърлари борки, улар Чўлпонни яқиндан билган, суҳбатдош бўлган инсонларнинг хотираларидан ёзиб олинган ёки шоир вафотидан кейин чет эл газета ва журналларида эълон қилинган. Айримлари эса шоирни яқиндан билган инсонларнинг архивларидан бизгача етиб келган. Юқорида таъкидланган шеърларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шеърларнинг илмий-танқидий матнини тузиш манбанинг нусхалари кўп бўлганда амалга оширилади. Илмий-танқидий матн шакли матн тарихини илмий ўрганиш асосида муаллиф матнига яқин вариантини тузишдир. Бундай матнни тузишда барча жалб этилган нусхалар матни танқидий ўрганилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар асосида “Хазон” шеърининг илмий-танқидий матни хусусида тўхталиб ўтамиз.

“Хазон” шеъри дастлаб “Фарғона” газетасининг 1923 йил 16 ноябр сонидан босилган. Сўнг хорижда чоп қилинган “Ёш Туркистон” журналининг 1929 йил 1-сонидан “Япроқлар” номи билан нашр қилинган. Шунингдек, шеър “Муштум” журналининг 1990 йил 18-сонидан ҳам қайта эълон қилинган. Мустақилликдан кейин эса “Яна олдим созимни” тўпламига, 1994 йилда чоп этилган 3 жилдликнинг I жилдига, “Гўзал Туркистон” тўпламига киритилган. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1997 йил 22 август сонидан “Ёш Туркистон” нашри асосида “Япроқлар” шеъри адабиётшунос Ш. Турдиев томонидан қайта

эълон қилинган. Бундан ташқари, шеър 2013 ва 2016 йилларда нашр юзини кўрган, шоир 4 жилддигининг I жилдидан жой олган.

Ишга жалб қилинган шеър нусхаларини қуйидаги шартли белгилар билан белгилаймиз:

- 1) “Фарғона” газетасининг 1923 йил 16 ноябрдаги 119-сонли нусхаси – Ф.;
- 2) “Ёш Туркистон” журналининг 1929 йил 1-сонли нусхаси – Ё.Т.;
- 3) “Ёш Туркистон” журналидаги нашри асосида чоп этилган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1997 йил 22 август сонидида эълон қилинган нусхаси – Ў.А.С.;
- 4) “Яна олдим созимни” тўпламидаги нусхаси – Я.О.С.;
- 5) Шоир “Асарлар”и 3 жилддигининг I жилди нусхаси – А1;
- 6) “Гўзал Туркистон” тўплами нусхаси – Г.Т.;
- 7) 2013 ва 2016 йиллари нашр қилинган шоир “Асарлар”и 4 жилддигининг I жилди нусхаси – А2.

Асосий таянч нусха сифатида 1923 йил 16 ноябрда эълон қилинган “Фарғона” газетаси (Ф) нашрини оламиз. Бошқалари эса ёрдамчи (назорат) нусха ҳисобланади.

Чўлпоннинг барча шеърлари илмий-танқидий матнини яратиш учун юқорида таъкидлаганимиз шаклида кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шоир шеърларини илмий-танқидий матнини яратишда ҳар бир шеърнинг сўз ва сўз шакллари, график шакллантирилишига ҳамда тиниш белгиларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Чунки шеър нусхалари кўпайган сари субъектив ёндашувлар туфайли ҳар хиллик юзага кела бошлайди. Шоирнинг “Халқ”, “Хазон”, “Лузон”, “Улуғ йўлда” шеърлари мисолида бу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатларни Чўлпоннинг “Улуғ йўлда” шеъри орқали кўриб чиқамиз:

Чўлпоннинг “Улуғ йўлда” шеъри 1920 йил 10 августда Тошкентда ёзилган. Ушбу шеър дастлаб “Бокуга Шарқ қурултойига келганда” деб номланган. Ушбу шеър “Ўзбек ёш шоирлари”, “Адабиёт парчалари”, “Баҳорни соғиндим”, “Яна олдим созимни”, “Гўзал Туркистон” шеърий тўпламларида, “Асарлар” 3 жилддиги, “Асарлар” 4 жилдликларида чоп этилган.

Шеърнинг “Ўзбек ёш шоирлари”, “Адабиёт парчалари”идаги нусхалари асосий таянч, қолган манбалардагилари эса ёрдамчи нусха деб белгилаб оламиз.

“Улуғ йўлда” шеъри 14 мисрадан иборат бўлиб, асар композицияси 3 қисмдан иборат: 1- шеърий банд 4 мисра, 2-банд 5 мисра, 3-банд 5 мисрадан ташкил топган. Бу график шакллантириш 2013 ва 2016 йилларда нашр қилинган “Асарлар” 4 жилддигида 2-банднинг охириги мисраси 3-банднинг бошида

берилган. Юқорида санаб ўтилган шеър нусхаларидан ташқари барча нусхаларда бандларнинг шакллантирилиши бир хил.

Ушбу шеърнинг 1-банд 2-мисрасидаги “босғувчисин” сўзи “Ўзбек ёш шоирлари”, “Адабиёт парчалари” ва ”Асарлар” 3 жилдлигида шу кўринишда, бошқа барча нусхаларида “босувчисин” тарзида берилган. Шеърнинг 2-банд 3-мисрасидаги “бу йўли” бирикмаси “Асарлар” 4 жилдлигида “бу йили” шаклида янглиш берилган, чунки 2-бандда тўлиғича йўл ҳақида сўз боради.

Шеърда қўлланилган тиниш белгиларида ҳам тафовутлар мавжуд. Жумладан, шеърнинг 1-мисрасида ишлатилган (:) ва (;) ишоравий белгилари кейинги нусхаларда ўзгартирилган:

*(Йўлимизда: чўллар, сувлар, денгизлар;) (4, 87)*

*Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар, (12, 57)*

“Адабиёт парчалари” тўпламидаги нусхасида шеърнинг 2-банди 1-мисраси охирида (-) тиниш белгиси қўлланилган, лекин кейинги нусхаларда қўлланилмаган. Биргина ишоравий белги миллатнинг келажаги учун жон куйдирган зиёлиларнинг барала айта олмай бўғзига тикилиб қолган юзлаб ҳайқириқларини ўзида мужассам этиши мумкин. Шунинг учун XX аср бошларида ижод қилган шоирларнинг асарларини нашрга тайёрлашда бу масалага муҳим омил сифатида жиддий эътибор қаратиш керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида айтиб ўтган фикрларимиздан келиб чиқиб шуни барала айта оламизки, XX аср бошларида ижод қилган ижодкорларнинг, хусусан, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон шеърларининг барча хатоликлардан холи илмий-танқидий матнини яратиш бугунги кун адабиётшуносларининг олдидаги бош вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбек ёш шоирлари. –Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1922. Б.40.
2. Чўлпон. Лўзон // Туркистон газетаси. 1922 йил, 16 декабр.
3. Чўлпон. Хазон // Фарғона газетаси. 1923 йил, 16 ноябр.
4. А.Сулаймон, А.Зоҳирий. Адабиёт парчалари. Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926. Б.87-88.
5. Чўлпон. Япроқлар // Ёш Туркистон. 1929 йил. №1.
6. Чўлпон. Баҳорни соғиндим (нашрга тайёрловчи И.Ҳаққулов). – Тошкент: Юлдузча, 1989. Б.63.
7. Чўлпон. Яна олдим созимни. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. Б.482.
8. Чўлпон. Асарлар. IV жилд. –Тошкент: Академнашр, 1994. Б.448.
9. Абдулхамид Чўлпон. Гўзал Туркистон (Нашрга тайёрловчи: Б.Дўстқораев). – Тошкент: Маънавият, 1997. Б.72.
10. Чўлпон. Хазон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. 22 август (Ш.Турдиев тайёрлаган).
11. Чўлпон. Асарлар. IV жилд. –Тошкент: Академнашр, 2013. Б.360.

12. Чўлпон. Асарлар. IV жилд. –Тошкент: Академнашр, 2016. Б.360.

13. Сирожиддинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Академнашр, 2015. Б.121.